

20 декабр 2022 йил.

Тошкент шахри.

“STONE FOR BUSINESS” МЧЖ, кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади, номидан Устав асосида фаолият юритувчи директори О.Турдиев, Самарканд давлат ветеринария медицинаси, ва чорвачилик ва биотехнологиялар Университети Тошкент филиали кейинги ўринларда «Буюрутмачи» деб юритилади номидан Б.К.Мадартов фаолият юритувчи мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида имзолайди:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1.«Бажарувчи» Буюртмачи топширигига биноан Самарканд давлат ветеринария медицинаси, ва чорвачилик ва биотехнологиялар Университети Тошкент филиалининг фаоллар залини том қисми ва фаоллар залининг айвон қисмини жорий тамирлаш ишларини белгиланган муддатда бажаришни ўз зиммасига олади.

2. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ СУММАСИ

2.1. Шартноманинг умумий суммаси 627 900 000 (Олти юз йигирма етти миллион тўққиз юз минг) сўм, ҚҚС билан. Лот номери 22110012207367

3. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. «Буюртмачи» ушбу Шартнома кучга киргандан кундан бошлаб 3 банк куни мобайнида шартноманинг умумий суммасининг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловини «Бажарувчи»нинг жорий ҳисоб рақамига ўтказиш мажбуриятини олади. Шартнома суммасининг қолган қисми Шартнома суммасининг қолган 70 фоизи «Бажарувчи» томонидан барча зарур ҳужжатлар тақдим қилингандан кейин, топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолагандан сўнг 3 банк куни ичида ўтказилиб берилади.

3.2 «Буюртмачи» мазкур Шартноманинг 3.1.-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг, ўз пул маблағлари ҳисобидан банк назорат ўлчовини амалга ошириши лозим.

4. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ, ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

4.1. Ишларни бажариш муддати 10 кунни ташкил этади.

4.2. Ишлар тугаллангач, «Бажарувчи» «Буюрутмачи»га ишни топшириш-қабул қилиш (оралиқ, якуний) далолатномасини ва барча зарур ҳужжатларни тақдим этади.

4.3. «Буюрутмачи» бажарилган иш натижалари билан рози бўлса, у топшириш-қабул қилиш далолатномасини олган кундан бошлаб 5 кун ичида бажарилган ишларни қабул қилиб олиши шарт.

4.4. «Буюртмачи» асосланган ҳолда ишни қабул қилишдан воз кечган тақдирда, томонлар зарур қайта қилиниши керак бўлган ишлар рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилган икки томонлама ҳужжат тузадилар. Бунда «Бажарувчи» кўрсатилган камчиликларни белгиланган муддатда бегараз тўғирлаши шарт.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1.«Бажарувчи» ушбу шартномада назарда тутилган ишларни тегишли ҳужжатларга мувофиқ бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5.2 «Бажарувчи» «Буюртмачи» билан келишганда сўнг, ушбу шартномада назарда тутилган ишларнинг бир қисmini бажариш учун субпудрат шартномаси тузишга ҳақли.

5.3. «Буюртмачи» ушбу шартномада назарда тутилган тартибда ва миқдорда бажарилган иш учун «Бажарувчи» га тўлов амалга оширилиши шарт.

5.4. «Буюртмачи» бажарилган ишнинг сифатини назорат қилиш ҳуқуқига эга.

5.5.«Бажарувчи» «Буюртмачи» нинг талабига кўра ишларни бажариш учун лозим бўлган техник ҳужжатларни тақдим қилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ МАЪСУЛИЯТИ

6.1. Шартнома «Буюртмачи» ташаббуси билан бекор қилинган тақдирда, у бажарилган ишларнинг ҳақиқий ҳажми бўйича тўловлар амалга оширади.

6.2. «Бажарувчи» томонилан ишларни бажариш кечиктирилса, «Бажарувчи» «Буюртмачи» га ҳар бир кечиктирилган куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизида пеня тўлайди, бироқ бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда.

6.3. «Буюртмачи» томонидан тўловлар кечиктирилса, «Буюртмачи» «Бажарувчи» га ҳар бир кечиктирилган куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизида пеня тўлайди, бироқ бажарилмаган ишлар умумий қийматининг 50 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда.

6.4. Пеняни тўлаш томонларни қабул қилинган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди..

7. НИЗОЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

7.1. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган барча низолар томонлар томонидан музокаралар йўли билан ҳал этилади, агар келишувга эришилмаган бўлса, низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий суди муҳокамасига ўтказилиши мумкин.

8. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

8.1. Томонларнинг ҳеч бири жавобгар бўлмаган форс-мажор ҳолатлари юзага келган тақдирда, томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига амал қиладилар.

9. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

9.1. Томонларнинг имзолари ва муҳрлари билан тасдиқланган барча қўшимчалар ушбу шартноманинг ажралмас қисмидир.

9.2. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчалар, агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса ва томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган бўлса, амал қилади.

9.3. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги билан рўйхатга олинган пайтдан бошлаб кучга кирилади. ва 31.12 2022 йилгача амал қилади.

9.4. Шартнома тенг юридик кучга эга 2-нусхада тузилади.

10. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАР ВА ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«Буюртмачи»

Самарқанд давлат ветеринария
медицинаси, чорвачилик ва
биотехнологиялар университетининг
Тошкент филиали
ИНН: 306843584
ОКНХ: 85420
Ягона Ғазна-хисоб варағи
Х/Р : 400110860262627094100250001
Х/Р : 400910860262627094100250001
МФО: 30014

Директор

Б.К. Мадартов

Юрист *С.С.С.*

«Бажарувчи»

ООО «STONE FOR BUSINESS»

Адрес: Ташкент ш. Яшнабод т-н 1-тор

Марв кўч. 6/2

Х/Р 2020 8000 6007 0721 1001

М. Улутбекский ф-л, АКБ «ТУРОН БАНК»

МФО: 01154; ИНН: 304 519 299

Директор

О.Турдиев



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар

университетининг Тошкент филиали Ёшлар
масъулалари ва маънавий-маърифий ишлар
бухгалтерия директорининг биринчи ўринбосари



Д.Уралов

20 декабрь 2022 йил

Харид комиссияси йўналишининг БАЁННОМАСИ

20 декабрь 2022 йил

Тошкент ш.

Ранселик қилди:

Д.Уралов - Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг
Тошкент филиали директорининг биринчи ўринбосари

Қатнашдилар:

Ш.Сатторов, Ғ. Менглиев, Х.Хожиев, О.Мамадийев,

Қўн тартиби:

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва
биотехнологиялар университетининг Тошкент филиали али ўқув
бизнеси эжорий таъмирлади.

(Лот рақами 22110012207367)

Институтнинг ўқув бизнеси тамир талаб ҳолатдалиги туфайли
нокулайликлар юзага келганлиги сабабли белгиланган тартибда Филиал
бухгалтерияси томонидан Республика товар ҳом-ашё биржасининг
<https://etender.uzex.uz/> порталига 22110012207367 -сонли лот билан эълон
жойлаштирилган. Лотнинг фаоллиги, яъни тижорат таклифларини қабул
қилишнинг сўнгги муддати 19.12.2022 йил.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган 5 кунлик муддатда 3 (уч) та
корхонадан тижорат таклифлари келиб тушди.

Иштирокчиларнинг тақдим этган ҳужжатларини ўрганиб чиқиб,
шунингдек, “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси
қонунига мувофиқ комиссия қарор қабул қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил
20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у
расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида
муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.
Икки иш кун ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш

натихалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди. Юқоридагиларни инобатга олиб, комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тижорат таклифларини ўрганиш яқунларига кўра танлов шартларига асосан энг мақбул ва энг арзон нарх таклиф берганлигини инобатга олиб **22110012207367**-сонли лот бўйича **STONE FOR BUSINESS MCHJ** танлов қолиби деб топилсин.
2. Бош ҳисобчи Х.Мустафойевга :
 - **“STONE FOR BUSINESS MCHJ”** билан белгиланган тартибда шартнома тузиш;
 - Шартномага асосан тегишли маблағларни белгиланган тартибда ва муддатларда ўтказиб бериш вазифаси юклатилсин.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Д.Уралов зиммасига юклатилсин.

Комиссия аъзолари:



Ш.Сатторов
Ғ. Менглиев
О.Мамадийев
Х.Хожиев